



Истиклол туфайли сўнгги мангит амири Саид Олимхоннинг Бухородаги хукмронлик даври (1910-1920) мухожирликдаги турмуши ва шахсий ҳаёти кирралари (1921-1944) билан боглик анчагина объектив маълумотларга эга бўлди. Лекин бу ҳақда билганларимиз ва англаб етганларимиз катта уммондан бир томчи экан ҳолос. Янгидан-янги маълумотларни ўзида жалаган китоб ва мақолалар билан танишар эканмиз ватанимиз тарихи ўта бой ва ранг-баранг воқеалар билан тошганлигига яна бир бор амин бўламиз. «Бухоро» нашриёти Сайид Мансур Олимийнинг «Бухор гохвораи Туркистон» («Бухоро-Туркистон бешиги») китобини чоп этди. Мансур Олимий Афғонистонда 1931 йилда таваллуд топган Амир Олимхоннинг 22 фарзандидан биридир. Ушбу китоб араб имлосида, форс тилида ёзилган бўлиб, илк бор 1996 йилда Туркия Республикасида чоп этилган. Бухоро Давлат Университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг доценти, мозийшунос, зукко олим Х. Х. Тўраев Мансур Олимийнинг китобини форс тилидан ўзбек тилига ўгириб, амалдаги алифбода китобхонларга тухфа қилишдек савобли ишни бажарди. Х. Х. Тўраевнинг олти-етти йиллик меҳнати туфайли дунё юзини янгидан кўрган ушбу китобга сарфланган вақт зое кетмади. Бу каби машаққатли ва маъсулиятли, айна пайтда хайрли ишни Бухоро тарихидан чуқур хабардор бўлган, илмий тадқиқотлар тажрибаси ва ҳадисини мукамал эгаллаган олимгина уддалай олиши барчага аён. Айтиш мумкинки, Х. Тўраев юқоридаги таҳсинга сазовор тадқиқотчидир.

«Бухора Туркистон бешиги» китобида юртимизни араблар томонидан истило қилиниши давридан ХХ аср 20-йилларигача бўлган тарихи ўз аксини топган.. лекин энг кўп саҳифалар сўнгги амир Сайид Олимхон, унинг аждо ва авлодлари ҳаёти, ҳамда фаолияти кирраларини ёритишга ажратилган Сайид Олимхоннинг отаси амир Абдулахадхон (1885-1910) шеърият ва адабиётга ихлоси баланд бўлганлиги, «Ожиз» таҳаллуси билан ижод қилганлиги ҳақида маълумот бера экан муаллиф: «Ҳожи Неъматулло мухтарам мазкур амир (Абдулахадхон) топшириги билан «Тазкират ул-ашъор» номли асар ёзган. Тазкирада «Ожиз» таҳаллусида шеър битган амир Абдулахад шеърларидан намуналар келтирилади»-деб ёзади (62 бет). Совет даври адабиётларидан хон ва амирларни қонхўрлиги, шавкатсизлиги, зўравонлиги ва босқинчилиги, таловчилиги ҳақидаги бир-бирини тақрорловчи маълумотларни ўқирдик. Холбуки, Абдулахад сингари ҳукмдорлар савобли ишларга ҳам қодирлигини амалда исботлашган. У ўз ҳукмронлиги йилларида Маккаи муқаррама, Мадинаи мунавварада, Шом, Миср, Сурия ва Ироқда работлар, меҳмонхоналар барпо этган экан. Улардан ҳозирги кунда муқаддас шаҳарларга зиёрат учун боровчилар фойдаланишмоқда. Мансурийнинг ёзишича, Абдулахад Франция банкига катта маблағ қўйган, ундан

хозиргача фойдаланган эмас (69 бет). Амир Сайид Олимхон ҳам китобда ёзилишича 1914 йилда ўз вакилларида Тўракул, Кори Музроб, Кори Мухаммадлар оркали ўн уч минг беш юз дона коракўл терини Британия Хиндистонига юборган. 1921 йил Афғонистондан туриб Хожи Исмоилбек ва Тўракулни коракўл териларни сотиш учун Лондонга (Англия) юборади. Коракўл терилар 175 00000 хинд рупиясига сотилади, шу пул маблагининг 27930,2,9, пенс инглиз фунти Лондоннинг «Grind lays Bank P. J. C.» банкасига амир Олимхон номига ўтказилади. Амир Олимхоннинг фарзандлари Лондон ва Пешовар банкаларига неча бор мурожат қилишларига карамай ханузгача пуллар қайтарилмаган, хозир ҳам бу пуллар амир Олимхон номига турган экан. (120 бет). Мансурий отасининг афгон амирлари Омонуллахон (1919-1929 йй) Хабибулла Килконий (Бачаи Сако, 1929 й), Мухаммад Нодир шох (1929-1933 йй), Мухаммад Зойир шох (1933-1973 йй) кабилар билан муносабатлари хақида кизикарли маълумотлар келтиради. Амир Олимхон 500 хамроҳи билан Кобулга кириб борганида (1921 йил баҳорда) аввал Хусайн Кавт богида яшайди, сўнгра Хошимхон богида кўчирилиб, бир йилдан сўнг эса Муродбеги калъаси богида ўтказилган. Муродбеги богида тўрт ой яшаганидан сўнг унинг охири қароргоҳи Кобулдан 11 км узокликда жойлашган Фатух калъаси боги бўлган. Бу жой амир ва унга тегишли кишиларга доимий яшаш учун бепул инъом этилган (89 бет). Аслида Сайид Олимхон Афғонистонга ўтганида кўп ҳам кашшоқлашиб қолган эмасди, у афгон амирларининг садакасига зор бўлмаган. Муродбеги калъасида турганида Хожи Мирзо девонбеги кимматбаҳо олмос ва жавохирлар билан безатилган уч дона муросса тожларни амирга келтириб берган. Амир олтин камари ва бир дона тожини Омонуллахонга ҳадя этган. Иккинчи тожини Мухаммад Нодир шахга совга қилади. Сўнгги учинчи муросса тожи эса озодлик учун қурашаётган мужоҳидлар ҳаракати иштирокчиларига қурол-аслаҳа, от ва анжомлар сотиб олишга сарфланган. Мансурийнинг ёзишича бир муросса тожга ўнлаб Фатух калъаси сингари жойларни сотиб олиш мумкин бўлган. Афғон амирлари Сайид Олимхонга қанча самимий муносабатда бўлмасинлар ва меҳмондўстлик кўрсатмасинлар унинг эркин ҳаракат қилишга йўл бермаганлар. Фақатгина 9 ой ҳуқумронлик қилган Бачаи Сако даврида Бухоро амири бир қадар Афғонистон мамлақати бўйлаб эркин юриш ҳуқуқига эга бўлган эди. Сайид Олим Мансурий афғон амирларидан Омонуллахон, Мухаммад Нодиршох, Зохиршох кабиларни коммунистларга сотқинликда айблади. Хатто, Бухоро амирининг маоши ва сарф-харажатлари ҳам коммунистик шўролар томонидан Омонуллахонга тўлаб турилганлигини ёзади. Аслида афғон амирларига ҳам ўша пайтда осон бўлмаган. Мамлакатда ички тартибни ва тинчликни сақлаш, СССР тазйик ва таъқиби остида қолмаслик учун муроса йўлини танлаш керак эди. Бухоро амирига ёрдам кўрсатишгина эмас, балки уни Афғонистонда сақлаб туриш СССР ҳуқумрон доираларига қўл келмаган. Совет ҳуқуматининг муҳожир туркистонликларни Афғонистондан чиқариб юбориш тўғрисидаги талабига Омонуллахон: “мамлакатимда кўзгалончилик психологияси қучли. Менинг ҳуқуматим ағдарилса сизларга ҳам яхши бўлмайди!” деб жавоб берган. Мухаммад Нодиршох замонида ҳам амирнинг Афғонистонда тугилган фарзандлари олий маълумот олиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Улар бир шаҳардан иккинчисига кўчиб юролмасди, ер-сув сотиб ололмаганлар. Китобда амир Олимхоннинг шахсий хислатлари хақида ҳам бой маълумотлар келтирилган. Сайид Олимхон фалсафа ва адабиёт билан шугулланган, уни айниқса Мирзо Бедил ижоди кизиктирган. Калъаи Фатуда “Бедилхонлик”, ҳамда шеърийат кечалари ўтказилган. Хатто, у бир марта Кобулда қолган футбол камандаси билан муҳожир ўзбекларнинг “Турон” камандаси ўртасидаги футбол мусобақасини

уюштириб, яхши ўйин кўрсатганларга совгалар улашган. Амир доимо бошига салла ўраб, тўн кийиб шаркча таомилга кўра миллий кийимда юрган. Афғонистон шохи Омонуллахон 1920 йилларда ислохатлар ўтказиб ўз мамлакатида европача кийиб юришни (калта кастюм, шим, шляпа) жорий қилган. 1922 йилда Пагмонда Афғонистон мустақиллиги кунини байрами (Жўшон байрами) ўтказилган. Байрам тантаналарига таклиф этилган амир Олимхон ўзбекона кийимида Пагмонга келади, лекин уни сокчи ичкарига киритмайди. Кийимини алмаштириб келиш тўғрисидаги талабни бажармаган амир Фату калъасигаша кайтиб кетади. Амирнинг Афғонистонда тугилган биринчи фарзанди, ҳозирги кунда Туркиянинг Гозиантиб шаҳрида яшаётган Сайид Умархон ҳам отаси хақида маълумот бери туриб: “Падари-бузрукворимиз шикорни (ов) яхши кўрар эдилар. Амир Омонуллахон билан овга чиқиб ўзларининг ўта мерганликларини кўрсатган эдилар. Афғон амири билан биргав овда тушган суратлари бор. Суратда афғон амири европача кийимда, отамиз эса бухороча миллий кийимда тасвирланганлар”-деган эди. Амир Олимхон ўз фарзандларига инглиз, урду тилларини ўргатиш учун Британия Хиндистоннинг Муробод шаҳридан Хўжа Раҳматулло ва унинг укаси Хўжа Кароматулло исм-шарифли иккита ўқитувчи ёллаган. Улар инглиз айгокчилари бўлиб, кейинчалик хоинликлари “акамулло” лакабли Умаржон исми Британия Хиндистони мактаб ўқувчиси томонидан аниқланган. Бундан ташқари Ого Мухаммад исми “Даривор” лакабли инглиз жосуси ҳам онаси билан бирга амир боғида бўлиб, Англияга амир ва унинг оиласи хақида маълумотлар юбориб турган.

“Бухоро-Туркистон бешиги” китобида истиклол учун курашган Иброҳимбек Лақай, Шермухаммадбеке, Абдулкаххор каби саркардалар хақида маълумотлар берилади. Уларнинг амир Олимхон билан мулоқотлари ўзаро муносабатлари баён қилинади. Китобда Афғонистондаги ўзбек мухожирлари йўлбошчиларидан бири Сайид Мубаширхон Тарозий, унинг фарзандлари такдири ҳам ёритилган. 1943 йилда Афғонистонда “Ватанни кутқариш комитети” ўзбек мухожирларининг ташкилоти раҳбарларидан бири сифатида Тарозий зиндонбанд қилинади. У 1948 йилга келиб озод қилинган. Кейинги умрини Мисрда яшаб 83 ёшда Кохирада вафот этган. Катта ўғли Сайид Насрулло Мубашир хозир Мисрда яшаб, араб, турк, форс тилларида ижод қилади. Кичик ўғли Абдулло Мубашир 1971 йилда Кохира университетидан илмий даража олиб араб, форс, турк, урду тилларидан дарс бермоқда. Маккаи муқаррамада бир неча китоблари эълон қилинган. Амир Олимхон мухожирликда маҳкум этилган миллионлаб ўзбек ватандошлари сингари она-юрти соғинчи билан яшади. Афғонистон бош вазири Аҳмадшоҳга 1943 йилда: “Афғонистонга келганимга 23 йил бўлди. Шу давр ичида кўп гурбат ва мусибатларни бошимдан кечирдим. Лекин ватан ёди бир муддат ҳам қалбимни тарқ этмади. Ватан ёди билан яшадим ва ватан ёди билан ўламан”-деган хасратли сўзларни айтган (123 бет). Ёки: “Эй Ватан охириги нафасимгача сена салом дейман... Ватан руҳи менга доим тирикдир”-каби сўзлар ҳам амирга тегишли. Қалбни нидосига айланган, дилни ўртовчи ушбу сўзлар совет даврида мухожирликка маҳкум этилган ҳар бир ўзбекка тегишлидир.

Сайид Мансур Олимий китобни факат хотираларигагина таяниб эмас, балки хорижий шарқда яратилган “Туркистон” (Обидшоҳ Пурий)

“Туркистон ўтмишда” (Ўроз Мухаммад Саромий),

“Туркистоннинг аччиқ хақиқати” (З. Валидий Тўгон),

“Марказий Осиё-большевиклар мустамлақаси” (Сайид Расул),

“Кизиллар” (Халил Холидий),

“Тулкидан ҳам айёррок” (Халилулаҳон),
“Туркистон аччик хакикатлари” (Шаҳобиддин Яссавий)
“Хотиралар” (Мухаммад Акбар Ашиқ Кобулий),
“Жаҳон зиндони” (Саййид Насруллаҳон Тарозий),
“Русларнинг Афғонистондаги жиноятлари” каби ўнлаб урду, форс, араб, турк, ўзбек тилидаги китоблардан ҳам фойдаланиб ёзди. Юқорида номлари зикр қилинган адабиётлардан ватанимиз тарихига оид айти пайтда БХСР хақида ҳам бой маълумотлар бор. “Бухоро-Туркистон бешиги” китоби эса юртимиз тарихидан хикоя қилувчи хорижда яратилган китоблардан биригина ҳолос.